

Юсуф алайҳиссаломнинг тақволари



12:51 / 27.03.2023 1157

Ҳазрати Юсуф алайҳиссалом Зулайҳо тарафидан фитнага учрадилар. Бу ходисани билмаган бирор мусулмон бўлмаса керак. Қуръони Каримда Зулайҳо Юсуф алайҳиссаломни гуноҳга чорлагани айтилади. Зулайҳонинг қалбида гуноҳ қилиш фикри пайдо бўлганида Ҳазрати Юсуфнинг ҳам қалбларига гуноҳ фикри келган. Ҳалойиқ шу сабабли Ҳазрати Юсуф алайҳиссаломга эътироз билдиради ва у кишини айблайди. Аммо Қуръони Карим баён қиладики, гуноҳ фикри келишига қарамасдан, Юсуф алайҳиссалом Аллоҳ таолодан қўрқдилар ва шу сабабли гуноҳ фикрларини амалга айлантормадилар, демакки, Аллоҳ таолонинг ҳукми олдида бўйин эгдилар. Лекин гуноҳ фикри банданинг қалбига келмаса, гуноҳ қилиш имконияти бўлмаса ҳамда ҳавойи нафс гуноҳ сари чорламаса, у ҳолда мингта Зулайҳо минг марта гуноҳга чорласа ҳам, ҳеч қачон ҳайратланарли иш содир бўлмас эди. Ҳақиқий тақво ва ҳақиқий ҳайратли иш шуки, гуноҳга чорлов бўляпти, имконият ҳам бор, ҳолатлар ҳам қулай, нафсда гуноҳ қилиш фикри ловуллаб турибди, лекин шунча нарсаларга қарамасдан, Аллоҳнинг ҳукми олдида бўйин эгиб, Юсуф алайҳиссалом шундай дедилар: «Маъазаллоҳ» — Аллоҳ таолодан паноҳ, сўрайман. Мана шу нарса Аллоҳ таоло инсонни яратишига сабаб бўлган ибодатдир.

Шундан маълум бўладики, гуноҳ қилишга имкони бўлмагани учун гуноҳга қўл урмаслик тақво эмас. Балки, гуноҳ қилишга буткул имкони бўла туриб, гуноҳ ишни хоҳлаб туриб, Аллоҳдан қўрқув сабабли ундай ишни тарк этиш

ана ўша ҳақиқий тақводир. Рўза биздан шундай тақвони талаб қилади.

«Рамазонни қандай ўтказамиз?» китоби асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли асосида чоп этилган.